ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

РАЙИМБЕРДИЕВ ХОЛЙИГИТ АБДУРАХМАНОВИЧ

ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА НИТРО-КАЛЬЦИЙ-ФОСФАТ ЎҒИТИНИ (НКФУ) ҒЎЗАДА ҚЎЛЛАШ МУДДАТЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

06.01.04 – Агрокимё

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

УЎТ:631.816.2

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural sciences

Райимбердиев Холйигит Абдурахманович
Типик бўз тупроқлар шароитида нитро-кальций-фосфат ўғитини (НКФУ) ғўзада қўллаш муддатларининг самарадорлиги……. 3

Райимбердиев Холйигит Абдурахманович
Эффективность сроков внесения нитратно-кальциево-фосфатного удобрения (НКФУ) на хлопчатнике в условиях типичных сероземов.... 21

Raimberdiev Kholyigit Abdurakhmanovich
Application efficiency of timing of nitrate-calcium-phosphate fertilizers (NCPF) under cotton in conditions of typical sierozems 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …..... 43

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

РАЙИМБЕРДИЕВ ХОЛЙИГИТ АБДУРАХМАНОВИЧ

ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА НИТРО-КАЛЬЦИЙ-ФОСФАТ ЎҒИТИНИ (НКФУ) ҒЎЗАДА ҚЎЛЛАШ МУДДАТЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

06.01.04 – Агрокимё

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B 2018.4.PhD/Qx226 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (htpp://www.soil.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Ниязалиев Бегали Ирисолиевич** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	**Хошимов Фарход Ҳакимович** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
	Каримбердиева Амина Азимовна қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли илмий кенгашнинг «___»_____2019 йил соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Қ.Қўзиев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

М.М.Тошқўзиев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё бўйича минерал ўғитлар 2014 йилда 184 миллион тонна ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич барқарор равишда йиллик 3–4 фоизга ошиб бориши кузатилмоқда[1]. ФАО маълумотларига кўра қишлоқ хўжалиги экин майдонлари дунёдаги ер майдонларининг 38,4 фоизини эгаллайди. Қишлоқ хўжалигида ғўза экиладиган 32–33 млн. гектар майдон дунёнинг 84 мамлакатига тўғри келиб, йиллик жами 25 млн. тоннадан ортиқ пахта ҳосили етиштирилади. Ғўза ва ғўза мажмуидаги экинлардан юқори ҳосил олиш ҳамда тупроқ таркибини минерал озиқа билан бойитиб бориш учун минерал ўғитларнинг меъёр ва қўллашнинг мақбул муддатларини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб ҳисобланади. Пахта етиштириш бўйича ҳозирги кунда етакчи бўлган Хитой, Ҳиндистон, Исроил, Бразилия ва бошқа давлатларда минерал ўғитлар билан озиқлантиришнинг мақбул муддатларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида пахта толасини етиштириш бўйича ғўза экинига берилаётган мураккаб таркибли минерал ўғитларнинг мақбул муддатларини аниқлаш борасида мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мураккаб фосфорли ўғитларнинг қишлоқ хўжалиги экинларида қўллаш муддатларининг, самарадорлигини ошириш билан биргаликда уларнинг тупроқ таркибида мавжуд NPK ҳолатига таъсири бўйича изланишлар натижалари асосида замонавий инновацион технологиялар қишлоқ хўжалигида кенг жорий этилмоқда.

Бугунги кунда республикамиз суғориладиган майдонларида ғўзани етиштиришда қўлланилаётган мураккаб минералларнинг тупроқ унумдорлигини сақлаш билан бир қаторда, ўсимликлар томонидан озиқа моддаларини ўзлаштирилишининг меъёрларини белгилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Нитро-кальций-фосфат ўғитини ғўзада қўллаш муддатларининг самарадорлиги, уларни тупроқнинг агрокимёвий хоссаларига ҳамда етиштирилаётган ҳосили сифатига ижобий таъсири борасидаги тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда. Республикамизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳосига интенсив усулларни, энг аввало сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш...»[2] муҳим стратегик вазифа қилиб белгиланган. Бу борада суғориладиган тупроқлар шароитида Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида олинган мураккаб фосфорли ўғитларни тупроқ таркибида мавжуд озиқа элементларига таъсири

---

[1]https://en.wikipedia.org.https://www.fao.org/

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ҳамда ғўзада қўллаш муддатларидаги самарадорлигини аниқлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 декабрдаги 03-12-7-сон қарори билан тасдиқланган «2017-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, агрокимёвий хизматлар сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлари Дастури» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V- “Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси: Суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалигида мавжуд етиштирилаётган экинлардан сифатли ҳамда мўл ҳосил олиш борасида фосфорли ва мураккаб ўғитлар қўллаш бўйича С.А.Кудрин, Б.П.Мачигин, Я.И.Чуманов, И.М.Мальцева, А.Н.Берзин, И.М.Попова, Н.Н.Зеленин, Б.Х.Тиллабеков, Х.Болтаев, М.Т.Абдуллаев, Қ.М.Мирзажанов, У.Умбетаев, Н.Халмурадов, хорижлик олимлардан W.M.Stewart, R.O.Maguire, C.G.Dorahy, I.J.Rocheste, E.Liu, M.U.Vo, M.A.Malik ва A.Alilар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилган. Бу борада нитро-кальций-фосфат ўғитини суғориладиган типик бўз тупроқлардаги озиқа таркиби, фосфорнинг умумий ва ҳаракатчан шакллари, фойдаланиш коэффициенти, мувозанати, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳамда сифатига таъсирини ўрганиш амалий аҳамиятга эга.

Лекин, суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида Қизилқум фосфоритлари асосида олинган янги турдаги НКФУ ўғитини ғўзада қўллаш муддатлари самарадорлигини аниқлаш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти ва Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-6-120 “Марказий Қизилқум фосфоритлари асосида концентрланган азот фосфорли ва оддий фосфорли ўғитларни олишнинг чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқиш” (2006–2008 йй.) ҳамда А-7-052-1 «Янги турдаги мураккаб ўғитларнинг ғўзадаги

самарадорлиги» (2006–2008 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тошкент вилоятининг эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида Қизилқум фосфоритлари асосида олинган янги турдаги нитро-кальций-фосфат ўғитини ғўзада қўллаш муддатларининг самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли шаклдаги фосфор ўғити таркибидаги фосфорнинг вақт давомида тупроққа сингиш даражасини аниқлаш;

НКФУ ўғитини тупроқдаги озиқа унсурларини ҳаракатчан шаклларининг динамикасига, ўсимлик аъзоларидаги NPK нинг умумий шаклларини миқдорига таъсирини ўрганиш;

НКФУ ўғитини қўллаш муддатларига боғлиқ ҳолда ўсимликлар томонидан фосфорнинг ўзлаштирилиши, 1 тонна пахта ҳосили учун сарфланиши ва фойдаланиш коэффициентига таъсирини аниқлаш;

НКФУ ўғитини ғўзани ўсиши, ривожланиши, қуруқ масса тўплаши, пахта ҳосили ва сифатига таъсирини белгилаш, НКФУ ўғитини ғўзадаги самарадорлигини ўрганиш;

Қизилқум фосфоритлари асосида олинган НКФУ (нитро-кальций-фосфат) ўғитини қўллашнинг мақбул муддатларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида эскидан суғориладиган типик бўз тупроқ, нитро-кальций-фосфат ўғити (НКФУ), ғўза олинган.

Тадқиқотнинг предмети: НКФУ ўғитининг тупроқ агрокимёвий хусусиятлари, ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари: Илмий тадқиқотларда дала, лаборатория тажрибалари, тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш ва агрокимёвий таҳлиллари, фенологик кузатувлар умумий қабул қилинган услубий қўлланмалар асосида ўтказилган. Ўсимлик ва тупроқ намуналарини олиш ва таҳлиллари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии», «Қишлоқ хўжалигида илмий текширишларнинг натижаларини иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усуллари” Н.А.Баранов услубида, дала тажрибаларида олинган натижаларнинг вариацион-статистик таҳлили эса Б.А.Доспехов услубига асосан математик ва Statistica 10.0 дастури асосида ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида аммофос ва нитро-кальций-фосфат ўғити (НКФУ) фосфорининг вақт давомида тупроққа сингиш даражаси аниқланган;

нитро-кальций-фосфат ўғитининг (НКФУ) қўллаш муддатларига боғлиқ ҳолда азот ва калий фонида ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, қуруқ масса тўплаши, пахта ҳосили ва сифатига таъсири аниқланган;

НКФУ ўғитининг қўллаш муддатларига боғлиқ ҳолда ғўза аъзоларида умумий азот, фосфор ва калийни миқдорлари, NPK ни ўзлаштириш, 1 тонна ҳосил учун сарфлаши ва фосфорни фойдаланиш коэффициенти аниқланган;

нитро-кальций-фосфат (НКФУ) ўғитини ғўзада қўллашнинг мақбул муддатлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лаборатория тажрибаларида НКФУ қўлланилган вариантда аниқланишича углеаммонийли сўрилмада ҳаракатчан фосфор миқдори кузатув муддатларида мутаносиб равишда 91,8; 78,1; 72,3; 70,1 ва 55,7 мг/кг, аммофос қўлланилганда эса бу кўрсаткичлар 18,7; 31,0; 35,8; 22,7 ва 16,7 мг/кг га юқори бўлишига эришилган;

НКФУ–I ва НКФУ–II ўғитларини ғўзада қўллашнинг энг мақбул муддатлари 100 кг/га экиш олдидан ва 40 кг/га гуллашда эканлиги аниқланган; бу вариантлар пахта хом ашёсида NPK нинг умумий миқдорлари 1,60–1,65; 0,80–0,95 ва 1,80–2,00 % бўлиб, назорат вариантига нисбатан умумий фосфор миқдори 0,05–0,20 % кўпроқ бўлганлиги кузатилган;

НКФУ ўғитини кечроқ муддатларда (2–3 чин барг ва гуллашда) NPK ни 1 тонна ҳосил учун сарфланиши мақбул вариантга нисбатан ортганлиги ва фосфорнинг фойдаланиш коэффициенти эса 13,3–13,7 фоизни ташкил этиб, 0,9–0,5 фоизга камайганлиги аниқланган;

НКФУ ўғити мақбул муддатларда қўлланилганда нисбатан юқори пахта ҳосили олинган ва (НКФУ–I ва НКФУ–II) мутаносиб равишда 34,0 ва 34,2 ц/ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 3,6 ва 3,8 ц/га юқори, лекин аммофос фосфорининг таъсиридан эса 1,6–1,4 ц/га камроқ бўлганлиги исботланган;

НКФУ ўғитини 100 кг/га экиш олдидан ва 40 кг/га ғўзани гуллаш даврида қўллаш кераклиги бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларидан фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажрибаларнинг натижалари миллий ва чет эл тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар мутахассислар томонидан тасдиқланиб, баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга НКФУ ўғитини қўллаш кенг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва Халқаро илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги натижаларни ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тупроқдаги фосфорнинг миқдори мақбуллашуви таъсирида ўсимликларни озиқа унсурларини яхши ўзлаштириши ва пахта ҳосилини ошириш ҳамда сифатини яхшилашда НКФУ

ўғитини мақбул муддатларда қўллаш илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида нитро-кальций-фосфат ўғитини (НКФУ) 100 кг/га экиш олдидан ва 40 кг/га P_2O_5 ғўзанинг гуллаш даврида қўллаш кераклиги бўйича тавсиялар берилганлиги белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. НКФУ ўғитини типик бўз тупроқлар шароитида ғўзада қўллашнинг мақбул муддатларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахтачилик фермер хўжаликлари учун “Пахтачиликда нитрокальций-фосфат-НКФУ (Нитрофос) ўғитини қўллаши бўйича тавсиянома”си ишлаб-чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги 02/023-025-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиялар асосида тупроқдаги фосфорнинг умумий ва ҳаракатчан миқдорини ошишига ва ўсимликларнинг ўғитлардан фойдаланиш коэффициенти (14,2%) яхшиланишига эришилган;

НКФУ ўғити билан ғўзани озиқлантиришда азот ва калий ўғитлари билан бирга қўллашга қаратилган агротехнологик тадбирлар Сирдарё вилояти суғориладиган ўтлоқи, бўз-ўтлоқи, ўтлоқи- бўз тупроқлар шароитида 26313 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги 02/023-025-сонли маълумотномаси). Натижада тупроқда мақбул фосфат режими шаклланиб, ҳаракатчан фосфорнинг дастлабки миқдорининг 1,0–1,2 мг/кг (P_2O_5) га ошиши таъминланган ҳамда азот ва калий ўғитларини ҳам ўсимлик томонидан ўзлаштирилиши, ғўзани экстремал шароитга ва касалликларга бардошлилиги ортиши имкони яратилган;

НКФУ ўғитини мақбул муддатда қўллаш асосида ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олиш бўйича ишлаб чиқилган агротехнология 2008–2013 йилларда Сирдарё вилоятининг Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сардоба, Ховос, Сирдарё туманларида 26313 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 21 ноябрдаги 02/023-025-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида НКФУ ўғитини ғўзада мақбул муддатларда қўллаш орқали кўсакларнинг очилиши 4–5 кунга тезлашган ва гектаридан 3–5 центнер қўшимча пахта ҳосили олиниб, шартли соф фойда гектаридан 692000–796000 сўмни ташкил этган .

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий мақола чоп этилган. Жумладан, 1 та тавсия, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар

асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 3 та республика ва 1 та ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қишлоқ хўжалигида фосфор муаммоларини ўрганиш борасида мамлакатимизда ва хорижда ўтказилган илмий тадқиқотлар натижалари»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича республика ва хориж олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижа, хулоса ва фикрлари батафсил ёритилган. Кўп йиллик илмий тадқиқотларнинг натижалари асосида фосфорнинг ўсимлик ҳаётидаги аҳмияти, тупроқда турли шаклда ўғит фосфорининг бирикиш даражалари, тупроқдаги ҳаркатчан фосфорнинг миқдорига боғлиқ ҳолда ўғитни табақаланган ҳолда қўллаш, фосфорли ўғитларни ғўза ва издош экинлардаги самарадорликлари баён этилган. НКФУ ўғитини ғўзадаги самарадорлиги аниқланмаганлиги ва бу ишларни ўтказиш долзарб масала эканлиги таъкидланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган. Геоморфологик жиҳатдан тажриба далалари (ПСУЕАИТИ Оққовоқ ТУ, Собиқ ЎзПИТИ) Чотқол тоғларининг Каржон тоғ тизимига кирувчи жанубий-ғарб тоғолди қисмига жойлашган. Тошкент вилоятининг тупроғи эскидан суғорилиб келинадиган, механик таркиби ўртача қумоқ ва 0–160 сантиметрли қатламда 0,01 мм заррачаларнинг миқдори (физик лой) 37,27–43,43 фоизни ташкил этади. Тупроғи типик бўз, сизоб сувлари сатҳи чуқур (18–20 м) жойлашган бўлиб, ернинг нишаблигига боғлиқ ҳолда турли даражада зичлашган. Мазкур тупроқ таркибида карбонатларнинг миқдори юқори бўлганлиги сабабли бу ерларнинг тупроқ муҳити нейтрал (pH=6,9-7,1) эканлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Оққовоқ агрометеопунктининг маълумотларига кўра кейинги 10 йил давомида ёздаги ҳавонинг ўртача ҳарорати +25,2 C^0, қишда эса +0,3 C^0 ни ташкил этган. Қишда энг паст кўрсаткич –20 C^0, ёзда энг юқориси +41,1 C^0 дан иборат бўлган. Йил давомида илиқ ҳарорат кунлари 216 кун давом этади. Баҳорги совуқ кун 28- мартга, куздагиси эса 29-октябрга тўғри келади. Ёғин-сочин миқдорлари ўртача 400–500 миллиметрни ташкил этади. Тажрибаларни бошлашдан олдин ҳайдов (0–30см) ва остки (30–50 см) қатламларда гумус миқдори мутаносиб равишда 1,30–1,02 %, умумий азот 0,120–0,090 %, фосфор 0,128–0,091 %, калий 1,120–0,81 %, нитратли азот 26,0–16,5; ҳаракатчан фосфор 28,9–14,5 ва алмашинувчи калий 165–140 мг/кгни ташкил этган. Дала тупроғи озиқа унсурларининг ҳаркатчан шакллари билан кам даражада таъминланган.

Дала тажрибаси шароитида қуйидаги илмий изланишлар ўтказилган: тупроқ таркибидаги умумий гумус миқдори И.В.Тюрин, азот, фосфор ва калий И.М.Мальцева ва Л. Гриценко, нитратли азот Грандвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калий П.В.Протасов усулларида аниқланган.

Ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши бўйича фенологик кузатувлар июнь, июль, август, сентябрь ойларининг биринчи кунида ўтказилган, кўчат қалинлиги мавсум охирида, бир кўсак пахтаси, 1000 дона чигит вазни тарозида тортиш усулида, пахта ҳосили ҳар бир вариант ва қайтариқларда теримлар бўйича аниқланган.

Диссертациянинг **“Турли шаклдаги ўғит фосфорини типик бўз тупроққа бирикиши”** деб номланган учинчи бобида турли ўғитлар фосфорининг вақт ўтиши билан тупроққа сингиш даражаси бўйича маълумотлар келтирилган. Лаборатория тажрибасида аммофос ва НКФУ ўғитлари қўлланилган бўлиб, улар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Фосфорли ўғитлар шаклларининг тавсифи

Ўғит турлари	P_2O_5, %				Азот, %	
	сувда эрийдиган	нитратда эрийдиган	лимон кислотада эрийдиган	ўзлаштириладиган	умумий	сувда эрийдиган
Нитро-кальций-фосфат (НКФУ)	9,8	3,1	14,2	11,5	7,0	5,1
Аммофос	34,5	12,2	47,7	46,0	10,4	8,4

Лаборатория тажрибаси учун дала тажрибасининг ҳайдов (0–30 см) қатламидан эскидан суғориладиган типик бўз тупроқ олинган.

Тажриба қуйидаги тизимда ўтказилган: 1. Назорат – (тупроқ) ўғитсиз, 2. Тупроқ+200 мг P_2O_5 (НКФУ) 1 кг тупроқда, 3. Тупроқ+200 мг P_2O_5 (аммофос) 1 кг тупроқда. Тажриба икки қайтариқда ўтказилган. Ҳамма вариантларда

тупроқлар тўла нам сиғимининг 60 фоиз намлигида сақланган. Тажрибани бошлашдан олдин тупроқ яхшилаб қуритилди, ҳавончада майдаланиб, тешиги 1 мм бўлган элакдан ўтказилди ва фосфорли ўғитлар 1000 г тупроққа 200 мг P_2O_5 миқдорда солинди. Ўғитлар таркибидаги фосфор миқдорига боғлиқ ҳолда P_2O_5 (ҳаракатчан фосфор) ҳисобланган, олинган ўғит намуналари тупроқ билан аралаштирилиб, 1 литрли шиша банкаларга солинган ва белгиланган намлик даражасида сув қуйилган. Тупроқни бу (60 %) намлиги тажрибани белгиланган муддатларигача сақланган.
Бунда эса ҳар куни бонкалардаги тупроқни оғирлигини тарозида тортиш орқали сув қуйиш меъёри белгиланди.

Тажриба қўйилгандан кейин 1, 5 кун ва 1, 2 ва 4 ойлар ўтгач ҳаракатчан фосфор миқдори 1фоизли углеаммонийли ва CO_2 сўрилмаларда аниқланди. (1-расм).

Тадқиқотларда аниқланишича, қўлланилган ўғит турлари ва хаттоки, ўғит қўлланилмаган вариант тупроғида ҳам вақт ўтиши билан ҳаракатчан фосфор миқдори камая борган.



1-расм. Фосфорли ўғит турларига боғлиқ ҳолда P_2O_5 нинг тупроққа бирикиши, (%).

Назорат вариантида 1 % ли углеаммонийли сўрилмада тупроқ таркибидаги дастлабки фосфор миқдори 18,2 мг/кг бўлгани ҳолда, бир кун ўтгач бу кўрсаткич 18,0 мг/кг га 5 кун, 1, 2 ва 4 ойдан кейин эса мутаносиб равишда 17,5; 17,0; 15,2 ва 15,0 мг/кг гача камайганлиги аниқланганки, бу ҳолат ҳаракатчан фосфорнинг тупроқ билан бирикиб, кам ўзлаштириладиган шаклларга ўтганлигидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки,барча мудатларда аниқланганда тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори аммофос қўлланилганда кўпроқ бўлган. НКФУ қўлланилган вариантда (1 фоизли углеаммонийли сўрилмада) ҳаракатчан фосфор миқдорларини аниқлаш муддатларида мутаносиб равишда 91,8; 78,1; 72,3; 70,1 ва 55,7 мг/кгни ташкил қилган бўлса, аммофос қўлланилганда бу кўрсаткичлар 18,7; 31,0; 35,8; 22,7 ва 16,7 мг/кг га юқори бўлган. Шунингдек, CO_2 сўрилмада барча вариантларда, ҳаттоки назоратда ҳам углеаммонийли сўрилмага нисбатан 2 марта юқори бўлганлиги аниқланган. Бу ҳолда назорат вариантида 1 кундан сўнг ҳаракатчан фосфор миқдори 34,2 мг/кг ни ташкил этиб, углеаммонийли сўрилмага нисбатан 16,2 мг/кг га кўпроқ бўлган. Шунингдек, фосфорнинг вақт ўтиши билан тупроққа бирикиши қонуниятлари сақланиб қолган ва 4 ойдан сўнг назоратда 34,3 мг/кг ни, НКФУ қўлланилганда 120,5 мг/кг , аммофосда эса 130,2 мг/кг ни ташкил этган.

CO_2 - углекислотали сўрилмада тажриба қўйилгандан 1 кун ўтгач, НКФУ таркибидаги фосфорнинг 60,1 % қисми, аммофос таркибидаги эса 53,8 % бириккан бўлиб, 6,3 % камроқ бирикканлиги аниқланган. 4 ойдан кейин эса бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 79,7 ва 71,3 фоизни ташкил этган. CO_2 сўрилмасида юқоридаги муддатларда НКФУ фосфори 44,6–56,9 фоиз, аммофосники эса 19,5–52,1 фоиз бирикканлиги кузатилган.

Диссертациянинг **“НКФУ нинг тупроқ ва ўсимлик таркибидаги озиқа элементларини ўзгаришига таъсири”** деб номланган тўртинчи бобида тупроқдаги ҳаракатчан фосфорнинг НКФУ ўғитини қўллаш муддатларига ва аммофос билан таққосланган ҳолдаги динамикаси, ўсимликни ривожланиш даврларида умумий NPK миқдорларини ўзлаштириши ва фосфорнинг фойдаланиш коэффициенти бўйича илмий маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотларда тупроқдаги ҳаракатчан фосфорнинг миқдори нафақат ўғитни қўллаш муддатларига, қолаверса яна азотли ва фосфорли ўғитларнинг шаклларига боғлиқлиги аниқланган.

Назорат вариантида тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори ҳайдов қатламида йилдан-йилга 1,5–2,0 мг/кг га камайиши, фосфор қўлланилган вариантларда эса 2–3 мг/кг га ортганлиги кузатилган.

НКФУ–I ўғити 100 кг/га кузги шудгорда, 40 кг/га ғўзанинг гуллаш даврида қўлланилганда тупроқни ҳайдов ва остки қатламларида ҳаркатчан фосфор миқдори мутаносиб равишда 29,0–15,0; 30,1–15,2; 31,8–14,3 ва 27,2–13,1 мг/кг ни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар назоратдан 4,0; 4,1; 4,0 ва 2,4 мг/кг (0–30 см) га ва аммофос фосфоридан эса 1,8; 2,8; 3,3 ва 2,6 мг/кг га камроқдир.

Тажрибада ўсимликнинг мақбул фосфорли озиқланиш тартиблари НКФУ–I ва НКФУ–II ўғитлари 100 кг/га P_2O_5 экиш олдидан ва 40 кг/га P_2O_5 ғўзанинг гуллаш даврида қўлланилганда кузатилиб, бу вариантларда ғўзани

гуллаш даврида тупроқнинг ҳайдов қатламида ҳаракатчан фосфор миқдори мутаносиб равишда 32,2 ва 32,8 мг/кг ни ташкил этган.

НКФУ–II нинг фосфори НКФУ–I никига нисбатан тупроқда нисбатан камроқ бирикиши кузатилган. Ғўза амал даври охирида, НКФУ–I ва НКФУ–II ўғитлари қўлланилганида, тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдорлари 28,0 ва 28,5 мг/кг ни ташкил этиб, аммофос қўллангандаги кўрсаткичидан 1,8–1,3 мг/кг камроқ, лекин назоратга нисбатан эса 3,2 ва 3,7 мг/кг га юқори бўлган.

Ғўзани амал даври охирида ўсимлик органларида умумий азот, фосфор ва калийнинг миқдорлари, назорат вариантда баргдаги умумий азот, фосфор ва калий миқдорлари мутаносиб равишда 1,20; 0,55 ва 0,48 %, пояда 1,30; 0,40 ва 1,85 %, чаноқларда 1,20; 0,42 ва 0,70 % ва пахтада 1,40; 0,75 ва 1,80 % ни ташкил этган.

Таъкидлаш жоизки, ғўзанинг амал даври охирида барча вариантларда умумий азот ва фосфорни кўпроқ миқдори пахтада, калий эса чаноқларда бўлганлиги аниқландики, бу озиқа унсурларини вегетатив бўлакларидан генератив томон силжишидан далолат беради.

Ғўзани вегетатив ва генератив бўлаклари орасида пахтадаги NPK миқдорлари энг муҳим омил ҳисобланади.

Аммофос фосфори таъсирида пахтадаги умумий азот, фосфор ва калий миқдорлари мутаносиб равишда 1,70; 0,98 ва 2,10 фоизни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткичлар назоратдан 0,30; 0,18 ва 0,30 фоизга юқоридир.

НКФУ–I ва НКФУ–II ўғитлари 100 кг/га миқдорда (P_2O_5) кузги шудгорда ва 40 кг/га ғўзанинг гуллаш даврида қўлланилганда NPK миқдорлари мутаносиб равишда 1,50–1,65; 0,95–0,98 ва 1,90–1,95 фоизни ташкил этган.

НКФУ–II ўғитининг мақбул таъсирида тупроқда ўсимликлар учун минерал озиқланиш тартиблари яратилганлиги кузатилди, чунки НКФУ–I таркибидаги фосфор миқдори нисбатан камроқ бўлган ва мутаносиб равишда 15,0 ва 11,0 фоизни ташкил этган.

Лекин ҳар иккала НКФУ ўғитларини ҳам экиш олдидан 100 кг/га P_2O_5, ғўзанинг гуллашда 40 кг/га P_2O_5 миқдорда қўлланилганда нисбатан яхшироқ шароит яратилиши кузатилиб, бу ҳолда пахта таркибида умумий NPK миқдорлари мутаносиб равишда 1,60 – 1,65; 0,80–0,95 ва 1,80–2,00 фоизга тенг бўлган.

Бу вариантларда NPK ни 1 тонна пахта ҳосили учун сарфланиши мутаносиб равишда 54,4–55,1; 17,5–17,5 ва 56,0–55,6 килограмни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткичлар бошқа вариантларга нисбатан 1,1–0,9; 0,1–0,2 ва 1,7–0,4 кг га камроқдир. Бунда фосфорни фойдаланиш коэффициентлари бироз юқори бўлиб, 14,2–14,2 фоизни ташкил этган ҳолда кузги шудгорда қўлланилганга нисбатан 2,0–2,0 фоизга юқори бўлганлиги аниқланган.

НКФУ ўғитларини кечки муддатларда қўлланилганда (2–3 чин барг ва гуллашда) NPK нинг 1 тонна ҳосил учун сарфланиши ортган ҳолда

фосфорнинг фойдаланиш коэффициенти 13,3 ва 19,7 фоизгача камайган. Бу эса мақбул вариантларга нисбатан 0,9–0,5 фоизга камроқдир.

Демак, НКФУ ўғитларини мақбул қўллаш муддатлари экиш олдидан ва ғўзанинг гуллаш даврида эканлиги кузатилган.

Диссертациянинг **“НКФУ нинг қўллаш муддатларига боғлиқ ҳолда ғўза ҳосилдорлиги”** деб номланган бешинчи бобида ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва тола сифати бўйича маълумотлар келтирилган.

1–августда ўтказилган фенологик кузатувларда ғўзанинг гуллаш даврида назорат (N+K) вариантида бош поя баландлиги 69,8 см, ҳосил шохлари сони 10,2 дона ва кўсаклар 6,4 донани ташкил этган.

НКФУ–I ўғити кузги шудгорда (100 кг/га P_2O_5) ва ғўзанинг гуллаш даврида (40 кг/га P_2O_5) қўлланилган вариантда бош поя баландлиги (1.08) 70,8 см, ҳосил шохлари ва кўсаклари сони мутаносиб равишда 10,9 ва 7,3 донани ташкил этган. Бу кўрсаткичлар назорат вариантга нисбатан 1,0 см, 0,2 ва 0,2 донага юқори, лекин аммофос фосфори қўлланилган вариантга нисбатан эса 5,3 см, 0,5 ва 0,8 донага камроқдир. НКФУ–I ўғити экиш олдидан (100 кг/га P_2O_5) ва ғўзани гуллаш даврида (40 кг/га P_2O_5) қўлланилганда бошқа вариантларга нисбатан мақбул озиқланиш шароити яратилиши аниқланган. Бу ҳолда ғўза бош поясининг баландлиги 73,3 см, ҳосил шохлари ва кўсаклар сони 1.08 санада мутаносиб равишда 10,7 ва 6,8 донани ташкил этиб, НКФУ–II ўғити кузги шудгорда қўлланилганга нисбатан 0,3 донага юқори бўлган. Лекин НКФУ–II ўғити мақбул муддатларда қўлланилганда юқоридаги кўрсаткичлар мутаносиб равишда 73,4 см, 10,6 ва 7,0 донани ташкил этган.

НКФУ–I ва НКФУ–II ўғитлари фосфорни эквивалент миқдорда ғўзани 2-3 чин баргли ва гуллаш даврларида қўлланилганда бош поя баландлиги мутаносиб равишда 74,1 ва 72,5 см, ҳосил шохлари сони 10,7 ва 10,2 ҳамда кўсаклар сони (1.08) 8,0 ва 7,5 донани ташкил этган.

Нитро-кальций-фосфат (НКФУ) ўғитининг қўллаш муддатларига боғлиқ ҳолдаги пахта ҳосилига таъсири бўйича олинган маълумотлар 2-жадвалда келтирилган бўлиб, назорат вариантида уч йил давомида ҳосилдорлик пасаймаган ва мутаносиб равишда 30,8; 30,3 ва 30,3 ц/га, 3 йилда ўртача эса 30,4 ц/га ташкил этган. Ҳосилдорликни йиллар ўтиб камаймаганлигига сабаб, тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори дастлабки кўрсаткичи 28,9 мг/кг бўлган ҳолда 3 йилдан кейин (фосфор солинмаган) бу 27,4 мг/кг гача пасайган, бу эса N200, K_2O-100 кг/га фонида 30,0 ц/га пахта ҳосили учун етарли бўлган.

Таъкидлаш жоизки, аммофос фосфорини 3 йилда ўртача фойдаланиш коэффициенти 16,4 %. НКФУ ўғитлариники эса 12,2–14,2 фоизни ташкил этиб, бу ҳолат қўшимча ҳосил салмоғида ҳам намоён бўлди.

Тажрибада нисбатан юқори пахта ҳосили аммофос фосфори қўлланилганда олинган ва изланиш йилларига мутаносиб равишда 34,7; 36,1 ва 36,2 ц/га, 3 йилда ўртача эса 35,6 ц/га ни такшил этган ҳолда қўшимча пахта ҳосили назоратга нисбатан 5,2 ц/га ни ташкил этган. Қолаверса аммофос фосфорини йиллар давомидаги таъсири камаймаган ва биринчи йили 34,7 ц/га пахта ҳосили олинган бўлса, 3 йили 36,2 ц/га га ортганлиги аниқланган.

Шунингдек, НКФУ ўғитларининг таъсирида ҳам ҳосилдорлик йилдан-йилга ортганлиги кузатилганки, бу тупроқда мақбул фосфорли озиқланиш шароити яратилганлигини кўрсатади.

Фосфорли ўғитлар қўлланилган шаклларидан қатъий назар пахта ҳосилини пишиб етилишига самарали таъсир кўрсатган.

Фосфор қўлланилмаган назорат вариантида тадқиқот йиллари 1-теримда ҳосилдорлик мутаносиб равишда 18,1; 19,8 ва 20,2 ц/га ни ташкил қилган ҳолда аммофос фосфори қўлланилганда эса бу кўрсаткичлар янада 20,5; 23,3 ва 24,5 ц/га ортиб, назоратга нисбатан 2,4; 3,5 ва 4,3 ц/га юқори бўлган. Бу ҳолат НКФУ ўғитларини экиш олдидан ва ғўзанинг гуллаш даврида қўлланилганда кузатилган ва 1-терим салмоғи мутаносиб равишда 20,4; 21,0; 21,5–21,2 ва 22,5–22,1 ц/га ни ташкил этган.

Бу кўрсаткичлар назорат вариантга нисбатан 2,3–2,9; 1,7–1,4 ва 2,3–1,9 ц/га юқори, лекин аммофосни таъсиридан эса 0,1; 1,8–2,1 ва 2,2–2,4 ц/га камроқдир. Юқорида келтирилган маълумотлар фосфорни миқдори тупроқда ўртача таъминланмаган бўлса ҳам ўғитларни қўллаш зарурлигини кўрсатадики, бу ҳолда пахта ҳосили эрта муддатларда пишиб етилади.

НКФУ–I ва НКФУ–II ўғитлари кузги шудгорда (100 кг/га P_2O_5) ва гуллашда (40 кг/га P_2O_5) қўлланилган вариантларда тадқиқот йиллари пахта ҳосили мутаносиб равишда 31,8–31,8; 32,1–31,9 ва 35,1–35,8 ц/га ни 3 йилда ўртача эса 33,0–33,1 ц/га ни ташкил этган ҳолда қўшимчалари 2,6 ва 2,7 ц/га бўлган.

НКФУ ўғитларини нисбатан мақбул қўллаш муддатлари экиш олдидан (100 кг/га P_2O_5) ва гуллаш даврида (40 кг/га P_2O_5) бўлиб бу вариантларда ўртача пахта ҳосили 34,0 ва 34,2 ц/га ни, қўшимчалари эса назоратга нисбатан 3,6 ва 3,8 ц/га ни ташкил этиб, аммофоснинг таъсиридан 1,6 ва 1,4 ц/га камроқ бўлганлиги аниқланган (2-жадвал).

НКФУ–I ва НКФУ–II ўғитлари ғўзанинг 2–3 чин баргли даврида (100 кг/га P_2O_5) ва гуллашда (40 кг/га P_2O_5) қўлланилганда ўртача пахта ҳосили тадқиқот йилларига мутаносиб равишда 31,9–32,1; 32,0–32,3 ва 33,4–34,0 ц/га ни, ўртача 3 йилда 32,4 ва 32,8 ц/га ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 2,0 ва 2,4 ц/га юқори бўлганлиги кузатилган.

2-жадвал

НКФУ нинг қўллаш муддатларига боғлиқ ҳолда пахта ҳосилига таъсири, (ц/га)

Вариантлар	Тажриба вариантлари	Фосфорли ўғитларни қўллаш муддатлари		Йиллар			Ўртача 3 йилда	P_2O_5 дан қўшимчалари
		100 кг/га	40 кг/га	2006	2007	2008		
1	N+K-Фон	-	-	30,8	30,3	30,3	30,4	-
2	Фон + Р (аммофос)	Шудгорда	Гуллашда	34,7	36,1	36,2	35,6	5,2
3	Фон + Р (НКФУ-I)	Шудгорда	Гуллашда	31,8	32,1	35,1	33,0	2,6
4	Фон + Р (НКФУ-I)	Экиш олдидан	Гуллашда	32,1	34,0	35,9	34,0	3,6
5	Фон + Р (НКФУ-I)	2–3 чин баргда	Гуллашда	31,9	32,0	33,4	32,4	2,0
6	Фон + Р (НКФУ-II)	Шудгорда	Гуллашда	31,8	31,9	35,8	33,1	2,7
7	Фон + Р (НКФУ-II)	Экиш олдидан	Гуллашда	32,8	34,2	35,6	34,2	3,8
8	Фон + Р (НКФУ-II)	2–3 чин баргда	Гуллашда	32,1	32,3	34,0	32,8	2,4
			$НСР_{05}$	1,76	1,75	1,93	ц/га	
			$НСР_{05}$	4,47	4,32	4,58	%	

Қўлланилган фосфорли ўғитларни турларидан қатъий назар пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларига мақбул таъсир кўрсатиши аниқланган. Тажрибанинг 3-йилида назорат вариантида 1 ва 2 пахта теримлари олдидан олинган намуналарда тола чиқиши мутаносиб равишда 34,2–32,4 % ни, 1000 дона чигит вазни 125,0–112,0 грамни, узилиш кучи 4,5–4,5; чизиқли зичлиги 184-180; пишиқлик коэффициенти 1,9–1,9; нисбий узилиш кучи 25,6–24,9 ни ташкил этган ҳолда I-нав тола олинган.

Барча вариантларда 1-теримидан 2-чисига томон тола чиқиши ва 1000 дона чигит вазнининг камая бориши кузатилган.

Аммофос фосфати қўлланилган вариантда тола чиқиши теримларга мутаносиб равишда 37,0-33,7 фоизни, чигит вазнлари 118,5-105,5 грамни ташкил қилиб, назоратда эса тола чиқиши камайган (2,8-1,3%) ва 1000 дона чигит вазни бироз ортганлиги (6,5-6,5г) аниқланган.

Тажрибада нисбатан кўпроқ тола чиқиши (36,5–32,4 ва 36,0–35,3 %) НКФУ–I ва НКФУ–II ўғитларини чигит экиш олдидан ва гуллашда қўлланилганда олинган, лекин 1000 дона чигит вазни бироз камайганлиги кузатилган.

Диссертациянинг **“НКФУ ўғитини ғўзада қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган олтинчи бобида иқтисодий самардорлик

бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, назорат вариантида пахтани сотишдан олинган даромад 3648000 сўм/га ни ташкил этган. Бу вариантда олинган шартли соф фойда 650000 сўм/га га, рентабеллик даражаси эса 21,6 фоизга тенг бўлди.

Таъкидлаш керакки, пахтани сотишдан олинган энг юқори даромад аммофос фосфори азот ва калий ўғитлари фонида қўлланилганда олинди ва 4272000 сўм/га ни, ҳамма харажатлар, шу жумладан ўғитни қўллаш учун ҳам сарфлангани 3352000 сўм/га ни, шартли соф фойда 920000 сўм/га ва ретабеллик даражаси 27,4 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар (шартли соф фойда ва рентабеллик) назоратга нисбатан 270000 сўм/га ва 5,8 фоизга юқори бўлганлиги аниқланган.

НКФУ–I ва НКФУ–II ўғитлари кузги шудгор ва ғўзанинг гуллаш даврида қўлланилганда шартли соф фойда мутаносиб равишда 592000 ва 707000 сўм/га ни, рентабеллик даражаси эса 17,5 ва 21,5 фоизни ташкил этган. Нисбатан юқори шартли соф фойда (692000 ва 796000 сўм/га) НКФУ–I ва НКФУ–II чигитни экиш олдлидан ва ғўзанинг гуллаш даврида қўлланилганда олиниб, рентабеллик даражаси 20,4 ва 24,0 фоизни ташкил этган.

Бироз камроқ шартли соф фойда (532000 ва 657000 сўм/га) НКФУ–I ва НКФУ–II ўғитлари ғўзанинг 2–3 чин барг ва гуллаш даврларида қўлланилганда олинган ва рентабеллик даражаси 15,8–20,0 фоизга тенг бўлган.

Олинган натижаларга кўра НКФУ ўғитларининг мақбул муддатларда қўлланилиши иқтисодий жиҳатдан самарали эканлиги аниқланган. Нисбатан юқори самарадорлик НКФУ–II ўғитини барча муддатларда қўлланилганда олиниб, бу ҳолат унинг таркибидаги ҳаракатчан фосфор миқдори НКФУ–I никига нисбатан юқорироқдир. Ҳар иккала НКФУ ўғит турлари ғўзада қўлланилса яхши иқтисодий самарадорликка эришилади, нисбатан маъқули НКФУ–II бўлиб, уни қўллашдан олинган шартли соф фойда 104000 сўм/га, рентабеллик даражаси эса 3,6 фоизга юқори бўлди.

ХУЛОСАЛАР

1. Лаборатория шароитидаги тажрибада барча кузатув муддатларида тупроқдаги ҳаракатчан фосфорни кўпроқ миқдори нитро-кальций-фосфатга (НКФУ) нисбатан аммофос қўлланилганда кузатилган. CO_2 сўрилмасида ҳаракатчан фосфор миқдори барча вариантда кузатув муддатларида 1 фоизли углеаммонийли сўрилманикига нисбатан юқори бўлган. Бунда 4 ойдан кейин назорат вариантида (фосфорсиз) ҳаракатчан фосфор миқдори 34,3 мг/кг ни, НКФУ қўлланилганда 120,5 ва аммофосда 130,2 мг/кг (CO_2 сўрилмасида) ва 1 фоизли углеаммонийли сўрилмада эса мутаносиб равишда 15,0; 55,7 ва 72,4 мг/кг ни ташкил этган.

2. НКФУ–I ва НКФУ–II ўғитлари фосфорни эквивалент миқдорда қўллашда уларни тупроқдаги нитратли азот миқдорини ўзгаришига тенг бўлган. НКФУ ўғитини мақбул қўллаш муддатлари: чигитни экиш олдидан (100 кг/га P_2O_5) ва гуллашда (40 кг/га P_2O_5) бўлиб, бу ҳолда тупроқни 0–30 ва 30-50 сантиметрли қатламларида мутаносиб равишда нитратли азот миқдори 24,2 ва 23,2 мг/кг ни ташкил этиб, НКФУ ўғити кузги шудгорда қўлланилганга нисбатан 1,1 мг/кг га юқори бўлганлиги кузатилган.

3. НКФУ–II нинг фосфори НКФУ–I никига нисбатан тупроқда камроқ бирикиши кузатилиб, ғўзанинг амал даври охирида мутаносиб равишда (0–30 см) 28,0 ва 28,5 мг/кг ни ташкил этиб, ҳаракатчан фосфор аммофоснинг кўрсаткичларидан 1,8 ва 1,3 мг/кг га камроқ, лекин назоратдан эса 3,2 ва 3,7 мг/кг га юқори бўлган. Тупроқда энг мақбул фосфорли озиқланиш тартиби аммофос қўлланилганда кузатилиб, ҳаракатчан фосфор миқдорини ортишига яхши таъсир кўрсатган.

4. НКФУ–II ўғити экиш олдидан ва ғўзанинг гуллаш даврида қўлланилганда амал даври охирида пахтада умумий NPK миқдорлари мутаносиб равишда 1,65; 0,95 ва 2,68 фоизни ташкил этгани ҳолда умумий фосфор миқдори назоратга нисбатан 0,20 фоизга юқори, лекин аммофос қўлланилганга нисбатан эса 0,03 фоизга камроқ бўлган. Фосфорни энг юқори фойдаланиш коэффициенти НКФУ–II (мақбул муддатларда) ва аммофос (тавсиялар асосида) қўлланилганида кузатилган ва мутаносиб равишда 14,2 ва 16,4 фоизни ташкил этган.

5. НКФУ–II ўғити чигитни экиш олдидан ва ғўзанинг гуллаш даврида қўлланилганда бош поянинг мақбул баландлиги (73,4 см), ҳосил шохлари сони (10,6 дона) ва кўсакларнинг сони (7,0 дона) кузатилган ҳолда, НКФУ–I нинг таъсирида ҳам шунга яқин кўрсаткичлар олинган.

1–сентябрда ўтказилган фенологик кузатувларда назорат вариантида ғўзада ўртача кўсаклар сони 8,6 донани, аммофос фосфори қўлланилганда 10,0 дона, НКФУ–II да 9,8 донани ташкил этиб, нисбатан камроғи НКФУ кузги шудгорда қўлланилганда (9,6 дона) олинган.

6. НКФУ ўғитини мақбул муддатларда (экиш олдидан ва гуллашда) қўлланилса аммофос фосфори каби ҳосилдорликка самарали таъсир кўрсатиши аниқланган бўлиб, ғўза бўлакларининг (барглар, поя, чаноқлар, пахта) қуруқ вазни мутаносиб равишда 26,1; 21,2; 16,7 ва 37,1 граммни ташкил этган. Бу ўғитни кечроқ (2–3 чин баргда ва гуллашда) муддатларда қўлланилса самарадорлиги ва ғўзанинг қуруқ массаси ҳам пасайганлиги кузатилиб, юқоридаги кўрсаткичлар мутаносиб равишда 25,1; 21,3; 15,9 ва 35,6 грамгача камайганлиги исботланган.

7. НКФУ–I ва НКФУ–II ўғитларидан энг юқори пахта ҳосили уларни чигит экиш олдидан ва ғўзанинг гуллаш даврида қўлланилганда олинган ва 3 йилда ўртача 34,0–34,2 ц/га, қўшимчалари эса назоратга нисбатан 3,6 ва 3,8

ц/га ни ташкил этган. Лекин бу кўрсаткичлар аммофос фосфорининг таъсиридан 1,6 ва 1,4 ц/га камроқ бўлганлиги билан изоҳланади.

НКФУ ўғитларини кузги шудгорда, ғўзанинг 2–3 чин баргли даврида, қолган қисмини гуллашда қўлланилганда пахта ҳосили мутаносиб равишда 1,2–1,8 ва 0,9–1,2 ц/га камайганлиги кузатилган.

8. Фосфорли ўғитларни қўллаш уларнинг шаклларидан қатъий назар пахта толасининг технологик хусусиятларига мақбул таъсир кўрсатади.

Пахта толасининг нисбатан юқори чиқиши (36,5–32,4 ва 36,0–35,3 %) НКФУ ўғитлари чигитни экиш олдидан ва ғўзанинг гуллаш даврида қўлланилганда олинган бўлиб, 1000 дона чигит вазни, аксинча, бироз камроқ бўлганлиги кузатилган.

9. НКФУ–II ўғитининг таркибидаги P_2O_5 миқдори НКФУ–I га нисбатан юқори бўлганлиги учун барча қўллаш муддатларида ҳам иқтисодий жиҳатдан самарали эканлиги курсатиб ўтилган. НКФУ–II ўғитини мақбул муддатларда қўлланилганда олинган шартли соф фойда 796000 сўм/га ни, аммофосда эса 920000 сўм/га ни ташкил этгани ҳолда рентабеллик даражаси мутаносиб равишда 24,0 ва 27,4 фоизга тенг бўлган.

10. Эскидан суғориладиган типик бўз тупроқларда пахтадан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун нитро-кальций-фосфат ўғитини (НКФУ) чигитни экиш олдидан (100 кг P_2O_5) ва ғўзанинг гуллаш даврида (40 кг/га P_2O_5) N200, K_2O –100 кг/га фонида қўллаш тавсия этилади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

РАЙИМБЕРДИЕВ ХОЛЙИГИТ АБДУРАХМАНОВИЧ

ЭФФЕКТИВНОСТЬ СРОКОВ ВНЕСЕНИЯ НИТРАТНО-КАЛЬЦИЕВО-ФОСФАТНОГО УДОБРЕНИЯ (НКФУ) НА ХЛОПЧАТНИКЕ В УСЛОВИЯХ ТИПИЧНЫХ СЕРОЗЕМОВ

06.01.04-Агрохимия

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ-2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.4.PhD/Qx226

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по присуждению ученых степеней при научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: (www.soil.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Ниязалиев Бегали Ирисолиевич** доктор сельскохозяйственных наук., старший научный сотрудник
Официальные оппоненты:	**Хошимов Фарход Хакимович** доктор сельскохозяйственных наук, профессор
	Каримбердиева Амина Азимовна кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	**Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «___» _____2019 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01. при Научно-исследовательском институте почвоведении и агрохимии по адресу: 100179, г.Ташкент, Алмазарский район, ул Камарнисо, 3-дом. Тел: (+99871) 246-09-50; факс: (+99871) 246-76-00. e-mail: info@soil.uz

С диссертацией можно ознакомится в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрирован №__). Адрес: 100179, г.Ташкент, Алмазарский район, ул Камарнисо, дом №3. Тел: (+99871) 246-15-38.

Автореферат диссертации разослан «___» _____2019 года.
(реестр протокола рассылки № __ от «___» _____2019 года.)

Р.К.Кузиев
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

Н.Ю.Абдурахмонов
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

М.М.Ташкузиев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

Введение (аннотация диссертация доктора философии (PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В 2014 году в мире произведена минеральных удобрений 184 миллион тонн, предусматривается расширить их на 3-4% за год[1]. По данным ФАО сельское хозяйства занимает 38,4% земли в мире. В сельском хозяйстве хлопчатник возделывается на 32-33 млн. гектар в 84 странах мира и производиться свыше 25млн. тонн урожай хлопка. В целях получения высоких урожайности хлопчатника и сопутствующих культур, а также обогащение состав почвы минеральными веществами, разработать оптимальных норм и сроков внесения минеральных удобрений является актуальным вопросом. В передовых странах по производству хлопка Китае, Индии, Израиле и Бразилии уделяют особое внимание разработке сроков внесения минеральных удобрений.

Во многих странах мира по производству хлопкового волокна проводиться целевые научные исследования по определению оптимальных сроков внесения сложных удобрений на хлопчатнике. На основе результаты исследования по повышению эффективности сроков внесения сложных фосфорных удобрений на сельхоз культурах, а также влияние на состояние NPK в составе почвы инновационные технологии широко внедряются в сельском хозяйстве.

В настоящее время на орошаемых площадях Республики внедряются мероприятия по применению на хлопчатник и сопутствующих культурах сложных минералов сохраняющих плодородия почвы наряду с этим определяющих норм выноса питательных веществ растениями.

Изучению эффективности сроков внесения нитро-кальций-фосфатного удобрений на хлопчатнике положительно влияющих на агрохимические свойства почвы, а также на качества урожая уделяется внимание не достаточно. Предусмотренных в пяти приоритетных направлениях развития Республики на 2017–2021годы в стратегиях действия: указано, что важной стратегической задачей является «…интенсивных способов развития сельского хозяйства, прежде всего сберегающих воду и водные ресурсы…»[2]. В этом отношении определение влияние сложных фосфорных удобрений разработанных на основе Кызылкумских фосфоритов на содержание питательных элементов в почве, а также эффективность сроков внесения на хлопчатник является актуальным вопросом.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указе ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года Президента Республики Узбекистан, предусмотренных в пяти приоритетных направлениях развития Республики на 2017–2021годы в стратегиях действия: указано, что важной стратегической задачей является

[1] https://en.wikipedia.org. https://www.fao.org/

[2] Указ Президента Республики Узбекистан за №УП-4947 от 07.02.2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан»

«…дальнейшее расширение инфраструктуры агрохимического обслуживания в производстве сельского хозяйства »; Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан за № 03-2-7 от 26 декабря 2016 года «Комплексная программа мероприятий по развитию системы обеспечения сельского хозяйства минеральными удобрениями, средствами химической и биологической защиты растений, улучшения качества агрохимического обслуживания на период 2017-2020 годы» и другими нормативными документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики: V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

